

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ФАОЛ ВАКИЛЛАРИ



Виртуал-кундалик сифатида пайдо бўлган блогларнинг айримлари вақт ўтиши билан оммалашиб, алоҳида сайтларга, ҳатто оммавий ахборот воситалари мақомига айланиб улгурди. Интернет ва рақамли технологияларнинг тараққий этиши бу йўналишнинг кенг оммалашига туртки берди. Смартфон ёки планшет, рақамли фото-видео аппаратлар орқали анъанавий ОАВ эътиборидан четда қолган муҳим воқеа-ҳодисаларни интернетга, турли ижтимоий тармоқлар, сайт ва блогларга жойлаш орқали истаган киши журналистика соҳасининг янги авлод вакилига айланмоқда.

5-бет ➤

3-бет ➤



ЮКСАК ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

Президентимиз бундан роса бир йил аввал — 24 мартда Тошкент шаҳрида Инҳа университетини ташкил этиш тўғрисидаги қарорга имзо чеккан эди. Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассислар тайёрланаётган ушбу олий ўқув юрти мамлакатимизда ташкил қилинган еттинчи халқаро олий таълим муассасасидир.

Университет фойесида эълонлар ва дарс жадвали осилган одатдаги доскалар ўрнига интерфаол мониторлар ўрнатилган. Ушбу мониторларда ўқув жараёни бўйича исталган ахборот, ҳатто талабаларнинг дарсларни ўзлаштириш рейтингига тақдим этилган. Шунингдек, бу ерда ўрнатилган ва интернет тармоғига уланган ўнлаб компьютер талабалар ихтиёрида.

Мазкур университетнинг биринчи босқич талабалари компьютер ва дастурий инжиниринг йўналиши бўйича билим олмоқда.

Сўнги янгилик!

Microsoft компанияси келгусида Internet Explorer браузерини қўллашни тўхтатишини расман тасдиқлади. Браузернинг ўн биринчи авлоди Windows 10 таркибига киритилган бўлса-да, фақат тескари мувофиқликни таъминлашга хизмат қилади. Доимий қўллаш учун эса компания ўзгача тамойилларга қурилган, функционалиги Firefox ва Chrome браузерлари билан рақобатлашишга лаёқатли бутунлай янги браузер (Spartan)ни тақлиф этади.

Ҳозирча браузернинг янги номи ва бренди устида изланиш давом этапти.



Ушбу сонда:

- Кексаларни эъзозлаш йили **2**
- Андроидлар ҳужумлар куршовида **4**
- “ALSKOM”: новый страховой продукт “Эъзоз” **6**
- 5G — келажак мобил алоқаси **11**
- Дахлдор туйгулар қанотида **12**
- Янгиликлар ва яшариш айёми **14**

Jumadan Jumagacha

21 март куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз байрами тантаналари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этди. Байрам тадбирида ёш хонандалар ва санъат усталари томонидан ижро қилинган куй-кўшиқларда Наврўз, Ватан, тинчлик, ёшлик, севги ва садоқат тараннум этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Президент сайловида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиш учун мамлакатимизга келган Ҳиндистондаги "Бхаратия Жаната" партияси мувофиқлаштирувчиси Вижай Жолли билан учрашув бўлиб ўтди. Меҳмон Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти билан ҳам таништирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда мазкур қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ва шаҳар силга қарши курашиш диспансери ҳамкорлигида 24 март — Жаҳон сил касаллигига қарши кураш кунига бағишлаб "Ёшлар силга қарши" мавзuida тадбир ўтказилди.

Японияда чоп этиладиган "Nippon-Eurasia" газетасида "Ўзбекистон — изчил демократик ривожланиш йўлида" сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йиллари давомида қўлга киритган ижтимоий-сиёсий муваффақиятлари атрофича таҳлил этилган. "Nippon-Eurasia" ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларни кенг ёритадиган нашр сифатида япон газетхонлари ўртасида эътибор қозонган.

"Кексаларни эъозлаш йили Давлат дастури" асосида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган, тизимда амалга оширилиши назарда тутилган чора-тадбирлар доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда кекса авлод вакилларига сифатли алоқа хизматларини кўрсатиш, уларни муҳофаза қилишга оид йирик лойиҳалар амалга оширилиши белгиланган.

Кексаларни эъозлаш йили

доирасида АКТ соҳасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар



2015-2017 йиллар мобайнида мамлакатимизда Идоралараро яхлит нафақа таъминоти ахборот тизимини жорий қилиш режалаштирилган. Мазкур лойиҳа "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш ҳамда UZINFOCOM компютер ва ахборот технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш марказлари томонидан амалга оширилади. Натижада, кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, нафақа таъминоти тизимини такомиллаштириш орқали давлат хизматларидан фойдаланишда уларга қўшимча қулайликлар яратиб берилади.

Чора-тадбирлар доирасида ёши улуг инсонларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган "Нуроний" интернет-портали ҳам ишга туширилиши кўзда тутилмоқда. Портал "Электрон ҳукумат" ахборот тизими таркибида фаолият кўрсатувчи, кекса ёшли интернет фойдаланувчиларини ҳукумат томонидан кексаларга яратиб берилаётган имкониятлар, имтиёз ва қулайликларга оид маълумотлар, янгилик ва хабарлардан бохабар қилади. Портал фаолияти доирасида кекса ёшли инсонлар учун ижтимоий тармоқни ишга тушириш ҳам кўзда тутилмоқда. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари, Саховат ҳамда Мурувват уйлари, кексаларга мўлжалланган санатория ва соғломлаштириш марказлари, ахборот-ресурс марказларини мазкур порталга улаш орқали ягона, ижтимоий хизматлардан фойдаланишга қулай платформани яратиш мақсад қилинган.

Мазкур лойиҳа UZINFOCOM компютер ва ахборот технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш, "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш марказлари, шунингдек, "Ўзбектелеком" АК кўмагида, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Халқ таълими вазирликлари, "Нуроний", "Маҳалла", "Пенсия" жамғармалари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Шу билан бирга, жорий йилда кекса ёшли фуқароларга ижтимоий хизматлар тўғрисида батафсил маълумот бериш ва олишга мўлжалланган

махсус интерактив телефон рақамини ишга тушириш режалаштирилган бўлиб, кекса ёшлилар SMS ёки кўнғирок қилиш орқали маълумотларни олишлари мумкин бўлади. Кекса ёшли фуқаролар сўровларига тезкор жавоб бериш тизими пенсия ёшидаги ёки имконияти чекланган фуқароларга бепул хизматларни кўрсатади.

1941-1945 йиллардаги урушда ҳамда меҳнат frontiда иштирок этган фахрийларга абонент тўловсиз, ҳар ойда маҳаллий ва халқаро кўнғироклар учун 60 дақиқа бепул чикиш кўнғироклари тақдим қилинади.

Мамлакатимиздаги барча мобил алоқа операторлари, шунингдек, "Ўзбектелеком" АКга мазкур турдаги тариф режаларини ишлаб чиқиб, амалга татбиқ этиш, шу билан бирга, уруш фахрийларининг ўрнатилган тартибда алоқа тармоқларига улашилари ташкил қилиш юзасидан вазифалар берилган.

Шунингдек, кексаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар доирасида ёши улуг инсонлар оилаларига ижтимоий кўмак кўрсатиш, хусусан, уларни маиший техника во-

ситалари билан таъминлаш ҳам кўзда тутилган.

"Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти томонидан 1941-1945 йиллардаги уруш якунланганининг 70 йиллиги, эришилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган ўзбекистонликларнинг қаҳрамонлигига бағишлаб почта маркалари ва конвертлар чиқарилиши режалаштирилган.

Махсус эсдалик конвертлари ва почта маркалари жорий йилнинг май ойида соҳавий дастур бўйича кўзда тутилган 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш доирасида муомалага киритилади.

Кексаларни эъозлаш йилида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар доирасида UZINFOCOM компютер ва ахборот технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш, "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш марказлари "Ўзархив" агентлиги ва "Пенсия" жамғармаси билан ҳамкорликда 2015-2018 йилларда нафақага чиқаётган фуқаролар учун меҳнат стаж ва бошқа зарур архив маълумотларини электрон шаклда олиш имконини берадиган синов лойиҳасини жорий қилиш бўйича чораларни амалга оширадиган.

"Кексаларни эъозлаш йили Давлат дастури" доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда кекса инсонларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматларнинг сифатини янада ошириш, "электрон ҳукумат" тизимининг элементлари, хусусан, Ягона портал — www.mv.gov.uz уларни муҳофаза қилишга оид янги хизматларни жорий қилиш кўзда тутилган.

Хусусан, қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда:

■ Ёлғиз кексалар ва имконияти чекланганлар учун уй шароитида ижтимоий хизмат кўрсатиш юзасидан аризаларни электрон равишда тақдим этишга оид интерактив хизматлар;

■ Ёлғиз кексаларни ҳамда имконияти чекланган инсонларни Саховат ҳамда Мурувват уйларида жойлаштириш юзасидан ариза юбориш ва керакли ҳужжатлар рўйхатини олиш бўйича интерактив хизмат;

■ 1941-1945 йиллардаги урушда ҳамда меҳнат frontiда иштирок этган фахрийларни соғломлаштириш мақсадида санатория-курортларга ёздиришининг электрон ҳисоби комплекс дастури;

■ Имконияти чекланганларни протез-ортопедик буюмлар ҳамда реабилитациянинг техник воситалари билан таъминлашнинг автоматлаштирилган "Протез" ахборот тизимини ишга тушириш.

Натижада, кексаларга мўлжалланган хизматлар сифатини янада ошириш, кекса ва имконияти чекланган инсонларнинг ижтимоий таъминот ва муҳофаза тизимидаги қулайликлардан самарали фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилади.

Вазирлик ахборот хизмати

Ўзбекистонда очик маълумотлар портали (data.gov.uz) ишга туширилди.

1-бет

— Ўқув жараёни дунёнинг етакчи университетлари намунаси асосида ташкил этилган, — дейди Тошкентдаги Инха университети проректори Нурилла Маҳаматов. — Бу ерда талабаларга мамлакатимиз ва хориждан таклиф этилган профессор ҳамда мутахассислар дарс бермоқда. Бу эса ўқишда самарали натижаларга эришиш имконини бераётир.

Мутахассислик бўйича барча асосий фанлардан жанубий кореялик профессорлар сабоқ беради. Ўқув дастурлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ҳамда Жанубий Кореянинг Инха университети томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва билимини бойитиш мақсадида ўқув дастурига Ўзбекистоннинг янги тарихи, фалсафа, юриспруденция, маънавият ва маърифат асослари каби ижтимоий-гуманитар фанлар киритилган.

Университетда дарслар фақат инглиз тилида олиб борилади. Бу Президентимизнинг айрим махсус фанларни чет тилларда ўқитиш кўзда тутилган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳаётга самарали татбиқ этилаётганидан бир намунадир.

Инглиз тилини камида 5 балл даражасида билишни тасдиқлайдиган IELTS халқаро сертификати бўлиши лозимлиги университетга кириш шартларидан биридир. Бирок ёшлар тили янада муфассал ўрганиши учун ўқув дастурига инглиз тили курси ҳам киритилган. Бунинг учун хорижий давлатлардан таклиф этилган мутахассислар ҳам жалб этилган. АҚШдан таклиф этилган профессор Алиша Хартгроув улардан биридир.

— Биринчи дарсга кирган пайтдаёқ ўзбекистонлик ёшларнинг инглиз тилини билиш даражаси менда катта таассурот қолдирган эди, — дейди А.Хартгроув. — Талабалар инглиз тилида на-



Юксак технологиялар университети

фақат яхши сўзлашади, балки ўз ҳис-туйғуларини ҳам бемалол ифода эта олади. Бу ҳар қандай чет тилини ўрганишда мураккаб жиҳатлардан биридир. Бундан ташқари, улар инглиз тилида яхши ёзади. Бунинг уларнинг ёзма ишларида кўриш мумкин. Талабалар берилган барча топшириқларни астойдил бажаради. Менга уларнинг яна бир жиҳати ёқади, яъни улар инглиз тилида ҳазил-мутойиба қилишни хуш кўришади.

Бўлажак муҳандис ва дастурчилар физика фанини ҳам пухта ўрганмоқда. Уларга ушбу фан бўйича маърузалар ўқиётган Брюссел эркин университети ўқитувчиси Людовик Арно ўз таассуротлари билан ўртоқлашаркан, талабаларнинг тайёргарлик даражаси кутганидан ҳам аъло эканини таъкидлади.

— Талабалар инглиз тилини яхши билиши тўғрисида улар билан тил топишиш қийин бўлмади, — дейди Л.Арно. — Улар фанни кунт билан ўрганмоқда, ўз устида ишлашдан чарчамайди. Муваффақиятлари ҳақида гапирадиган бўлсам, улар мен дарс берган Европа университетларидаги тенгдошларидан асло қолишмайди.

Университетда замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланган уч ахборот-ресурс маркази, кутубхона, кенг ва ёруғ ўқув зали талабаларга хизмат кўрса-

таётир. Улар юқори технологияли ускуналар билан таъминланган иккита лабораторияда эгаллаётган ўз назарий билимини синаб кўриш имкониятига ҳам эга.

Яратилган бундай кенг имкониятлар ёшларни ўқиш ва инновацион фаолиятда янги ютуқлар сари ундамоқда. Масалан, яқинда талабалар ўртасида ўтказилган дастурий таъминот танлови якунлари сарҳисоб қилинди. Унда "Notify" веб-иловасини яратган Нуриддин Эминохунов ва Мухаммад Каримов ғолиб бўлди.

— Биз интернет орқали ишлайдиган эълонлар электрон доскасини яратдик, — дейди Н.Эминохунов. — Ундан ўқув жараёнида ҳам фойдаланиш мумкин. Мисол учун, ўқитувчи талабаларга дарс қачон ва қайси аудиторияда бўлиши ҳақида хабар қолдириши мумкин. Ҳозир ўз дастуримиз имкониятларини кенгайтириш устида ишляпмиз.

Ғолибларнинг сўзларига кўра, улар веб-ишланмани яратиш ишларини университетга ўқишга киришдан аввал бошлаган. Инглиз тилини ўрганиш учун мўлжалланган сайт уларнинг дастлабки лойиҳасидир.

Азимжон Абдижалилов ҳам инновацион фаолиятни яхши билади. Коллежда ўқиб юрган пайтдаёқ сув сатҳини ўлчаш микро-схемаларини бошқарадиган дас-

тур ишлаб чиққан. Аини пайтда у инновацион маҳсулотини ишлаб чиқишни якунлаш арафасида ва ўз кашфиёти учун патент олишни режалаштирмоқда.

Университетда талабаларнинг яшаши ва дам олиши учун ҳам қулай шароитлар яратилган. Виллоялардан келган ёшлар талабалар тураржойида яшамоқда. Улар олий ўқув юрти ҳудудида барпо этилган футбол ва баскетбол майдонларида дарсдан сўнг шуғулланиши мумкин.

Тошкент шаҳридаги Инха университети ҳаёти ва ўқув жараёни сифати кишида катта таассурот қолдиради. Олий ўқув юрти раҳбарияти университет имкониятларини янада кенгайтириш стратегиясини белгиланган. Масалан, талабаларни инфорацион технологиялар соҳасида энг сўнгги янгиликлар билан бевосита таништириш мақсадида Microsoft, HP, SAP, Oracle, IBM, CISCO, Samsung, LG, ESET, Softline ва бошқа жаҳонга машҳур халқаро корпорациялар ҳамда мамлакатимиз компаниялари билан ҳамкорликни кенгайтириш режалаштирилган. Назария ва амалиётни бу тарзда уйғунлаштириш, шубҳасиз, келажақда мамлакатимизда ҳам бу борада етуқ мутахассисларнинг янги авлодини тарбиялаш имконини беради.

ЎЗА

Диққат, диққат!

Аёллар спорт фестивали

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Республика алоқа ходимлари касабга уюшмаси кенгаши ташаббуси билан 2015 йил 2-5 апрел кунлари Тошкент вилояти, Бўстонлик туманидаги "Оқтош" санаториясида "Соғлом она — соғлом авлод гарови" шиори остида Аёллар спорт фестивали ўтказилади.

Аънавий тарзда ўтказилаётган мазкур спорт фестивалида алоқа корхона, ташкилот ва муассасаларида 20 ёшдан кичик бўлмаган ҳамда 45 ёшдан юқори бўлган аёл раҳбарлар, ишчи-ҳодимлардан ташкил топган ҳудудий босқичда ғолибликни қўлга киритган камида тўртта корхонадан тuzилган терма жамоа аъзолари ўзаро беллашадилар.

Фестивални ўтказишдан асосий мақсад хотин-қизлар ўртасида спорт-соғломлаштириш маданиятини ошириш, ёшларимиз, аynиқса, қизларни маънавий-ахлоқий камолотга йўналтириш, уларнинг руҳиятини инсонпарварлик, юртпарварлик, меҳр-оқибат, са-

ховат ва келажаққа ишонч фазилатлари билан бойитиш, соғлом авлодни тарбиялаш, оилада соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда уларга муносиб шароитларни яратиш борасида олиб бораётган ишларни кенг тарғиб этишдан иборат. Шунингдек, соҳа таркибидagi акциядорлик компаниялари, жамиятлари, корхона, ташкилот ва муассасаларда, аynиқса, чекка қишлоқларда ишлаб келаятган аёлларни жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратиш орқали оммавий спортни кундалик эҳтиёжга айлантириш, шу аснода аёлларнинг дам олишларини ташкил қилишдир.

Мусобақалар спортнинг тўрт тури — волейбол, кўпкураш, шахмат, шашка бўйича ўтказилади.

Шунингдек, терма жамоалар ўртасида маданий тадбирлар ўтказилади. Терма жамоа аъзоларининг барчаси ўз иқтидорини намойён қилган ҳолда миллий урф-одатларимиздан бири бўлган "Бувижоним алласи" мавзусида маданий чиқишлари билан қатнашади. Мазкур тадбир ғолиблари алоҳида номинациялар бўйича тақдирланади.

Бундан ташқари, Аёллар спорт фестивали барча иштирокчиларининг Тошкент шаҳридаги замонавий бино-иншоотлар ва тарихий қадам-жолар (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Темурийлар тарихи музейи, Хастимом)га ташрифи уюштирилади.

Ташкилий қўмита

Xalqaro
haqot

ЕВРОИТТИФОК Туркменистондан газ етказиб берилиши бўйича музокара-ларни қайта бошламоқчи. ЕИнинг Туркменистондаги ваколатхонаси раҳбари Денис Данилиднинг айтишича, лойиҳада Евроитти-фок бозори учун туркман газини сотиб олмақчи бўлган Европа компания-лари қандай шартлар ости-да қатнашишини билиш ке-раклиги маълум бўлган.

ГЕРМАНИЯ канцлери Анге-ла Меркел, Франция прези-денти Франсуа Олланд ва Ис-пания бош вазири Мариано Рахой Франциянинг Алп тоғла-ридаги ҳалокат жойига етиб келди. Улар қутқарувчилар билан суҳбатлашиб, қурбон-лар жасадларини кидириш им-кониятлари ҳақида маълумот олмақчи. Германиялик анатом-патологлар ҳисоблашича, қур-бонлар шахсларини аниқлаш икки ҳафта давом этиши мум-кин.

Эслатиб ўтамиз, 24 март куни Барселонадан Дюссел-дорфга парвоз қилаётган Airbus A320 самолёти Фран-ция жанубида, Алп тоғлари устида ҳалокатга учраши оқибатида лайнер бортида бўлган 150 кишининг барчаси ҳалок бўлган эди.

АҚШ ўзининг Афғонис-тондаги миссиясини 2015 йилнинг охиригача давом эттиришга қарор қилди.

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ-нинг йиллик маърузасида кел-тирилишича, Осиё давлатла-ри иқтисодийнинг ўсиш да-ражаси яқин икки йил ичида 6,3 фоизни ташкил этади. 2014 йилда ҳам Осиё минтақаси худди шундай кўрсаткич қайд этган эди. "Хомашё маҳсулот-лари нархларининг тушиб ке-тиши бутун минтақа бўйича қонун чиқарувчиларга ёқилги субсидияларини қисқартириш учун имкон яратди ва тузил-мавий ислохотлар ўтказиш учун йўл очиб беради", — дей-илади маърузада.

УКРАИНАда 8 май — Хо-тира ва ярашув куни деб эълон қилинди.

ЭСТОНИЯнинг "Эмари" авиабазасида АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари қўшма йиғинларининг фаол босқичи бошланди. АҚ-Шнинг 14та F-16 қирувчи само-лётни иштирокида бўладиган йи-гинларда ердаги нишонларни ҳаводан йўқ қилиш манёврла-ри амалга оширилади. 17 апрелгача давом этадиган йи-гинларга Финландия ва Шве-ция ҳам қўшилади, бироқ улар-нинг самолётлари ўз мамла-катлари ҳаво ҳудудидан ташқарига чиқмайди.



Буюк довон

Apple компаниясининг капитал қиймати бир трилли-он доллардан ошиши мумкин. Бу ҳақда Cantor Fitzgerald инвестиция банки таҳлилчиси Брайан Уайт фикр билдирган. Унинг ҳисоб-китобларига кўра, Apple акцияси 127 доллардан (ҳозирги кўрсаткич) 180 доллар-гача кўтарилиши мумкин. Маълумот учун: компаниянинг ҳозирги капитал қиймати — 733 миллиард доллар.

Таҳлилчи iPhone қурилмаларининг Хитой бозоридида сотилиши, смарт-соатлар ва Арренинг бошқа лойиҳа-лари истиқболлари асосида шундай тўхтамга келганини маълум қилган.

Андроидлар ҳужумлар қуршовида

Android-қурилмалар фойдаланувчилари 2014 йилдан кўпроқ кибертаҳдидга учрай бошлади. Kaspersky Lab хабарларига кўра, ўтган йилда хакерларнинг 2 млн.та таҳди-дига барҳам берилган — бу 2013 йилдагидан 3,3 маротаба кўпдир. Ана шу ҳужумларнинг 48 фоизи ортида молиявий йўналишдаги вируслар ёки SMS-троянлар яширинган.

Бу вируслардан жабрланишлар кўрсаткичи худудлар миқёсида куйидагича: Россия (63,8 фоиз), Қозғистон (5,67 фоиз), Украина (2,95 фоиз), Германия (2,78 фоиз), Малайзия (2,69 фоиз) ва бошқалар.

Энг митти
3D-парма

Янги зеландиялик Лэнс Эбер-нети Ultimaker 2 3D-принте-ри воситасида дунёдаги энг митти электр пармани ясади. Унинг ўлчамлари — 17x7,5x13 мм. Комп-ютер моделига ҳақиқий электр парма асос қилиб олинган.

Аввалига митти қурилма кор-пусининг икки палласи, кейин эса қисқич патрон ясаб олинди. Кор-пус ичига батарея, мотор ва таъ-минот тугмаси ўрнатилиб, корпус бирлаштирилди. Жараёнга бош-дан-оёқ уч соат сарфланган. Пар-ма диаметри бор-йўғи 0,5 милли-метрли бўлиб, амалда бир наф бериши даргумон.

Гонконгча савдо

Гонконгнинг Hutchison Whampoa корпорацияси O2 британ мобил алоқа операторини сотиб олиш бўйича келишувга эришди. Бунинг учун гонконгликлар операторнинг амалдаги тасарруфчиси — Telefonica (Испания) компаниясига 10,25 млрд. фунт стерлинг (\$15,3 млрд.) тўлашга рози бўлишди.

Келишув орқали Hutchison Whampoaнинг Буюк Британия мобил алоқа бозоридидаги мавқеи янада кучаяди — келгусида корпорация ўзига қарашли яна бир британ оператори Three ва O2 ком-панияларини бирлаштириб, телекоммуникациялар гуруҳи тузиш-ни мақсад қилган.

Қамров кенгайди

Microsoft компанияси Android-қурилмалар ишлаб чи-қарувчи бир нечта компания билан кенг қўламли ҳамкорликка киришди. Булар орасида Samsung, Dell сингари донгдор ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, DEXP, TrekStor, JP Sa Couto, Datamatic, Hipstreet, Qmobile, Tecno, Casper, Pegatron сингари турли минтақаларда жойлашган компа-ниялар бор. Булар томонидан чиқарилаётган Android-қурил-маларга Word, Excel, PowerPoint, OneNote, OneDrive ва Skype сингари Microsoft маҳсулотлари ўрнатилди.

IBM: Сувли совитиш тизими

Келгуси йилдан фазони ҳар қачонгидан тезроқ ва юқори аниқликда тадқиқ қилувчи космик **Радиоинтерферометр** — Square Kilometre Array (SKA)ни қуришга киришिलाди.

Жанубий Африка, Австралия ва Янги Зеландияда ўрнатилган ва ягона қурилмага бирлаштирилган миллионлаб антенналарнинг бир пайтда ишлаши учун марказий ҳисоблаш серверининг ўта юқори ишлаб чиқарувчанлиги ва узундан-узун коммуникация линияларининг кунига петабайт тезликда (бугунги глобал интернет тезлигидан юқори!) маълумот узатувчанлиги талаб этилади.

Шу мақсадда IBM компанияси ва унинг ҳамкори — Нидерландия радиоастрономия институти бир нечта юқори ишлаб чиқарувчан тизимлар, жумладан, жаҳондаги биринчи сувда совитиладиган 64 разрядли микросервер устида иш олиб борапти.

Zurich T4240 (Power Architecture) чипидаги тизим сервер картасига ўрнатилган мис пластинада келувчи сув орқали совитилади. Пластина чипга электр таъминоти етказувчи вазифасини ҳам ўтайди.

С.ТЕМИРОВ тайёрлади

Блоглар ва ОАВ

2000-йилларга келиб, блог тушунчасининг пайдо бўлиши ва оммавий тус олиши натижа-сида "Фуқаролик журналистикаси" ҳақида гапирила бошланди. Турли тезкор хабарлар, таҳлиллар, ўзига хос фикр-мулоҳазалар май-дони сифатида шаклланган блогерлик йўна-лиши келажакда анъанавий ОАВни сиқиб чиқаради, деган фикрлар ҳам янгради. Бироқ бу тахминлар ўзини оқламади, махсус билим ва тажрибага эга бўлмаган блогерлар тизим-ли равишда фаолият юритадиган ОАВ ўрнини эгаллай олмаслиги ойдинлашди. Аксинча, бу икки йўналиш ўзаро рақобатчи эмас, бир-бирини тўлдирувчи воситалар эканини ҳаёт кўрсатиб берди. Ахборот олиш,

тарқатиш маконининг ул-канлиги ҳар иккала йўна-лиш ҳам талаб ва эътибор-дан четда қолмаслигини таъминлади. Электрон на-шрлар ўз ресурсларида блогерлар учун алоҳида бўлимлар ташкил қилди. Бугунги кунда экспертлар, мутахассислар, таниқли блогерларнинг турли омма-вий ахборот воситалари сайтларида алоҳида саҳифалари, блоглари мавжуд. Ушбу ҳамкор-ликдан икки томон ҳам ва энг асосийси, ўқувчилар ютмоқда.

Табиики, ОАВдан алоҳида, эркин фаолият юритаётган блоглар тизими ҳам кенг шакллан-ган. Маълум бир мавзу доирасидаги, маълум бир аудиторияга ихтисослашган онлайн-кун-даликлар сони кундан-кунга ошиб борапти. Улар орасида фойдали маълумотларга эгала-рини ҳам, шунчаки ҳис-туйғулар баён этилган-лария ҳақиқатга мос келмайдиган фактлардан иборат блогларни ҳам учратиш мумкин. Вирту-ал оламда блог ташкил қилиш учун қулай платформаларнинг кўплиги, технологиялар-дан бир оз хабари бўлган инсонга ҳам бир неча дақиқалар ичида блог очиб ва юритиш имкони-ни берапти. Бундай шароитда блоглар савияси турлича бўлиши табиий ҳол. Блоглар ёлғон ва бўҳтонларни тарқатувчи воситага айланиб қол-майди, деган хавотирлар ҳам бор. Виртуал оламда бундай ҳолатлардан тўлиқ сугуртала-нининг имкони йўқ. Нотўғри маълумотлар тарқатилиши нафақат блоглар тизими, балки бутун интернетнинг муаммоси. Бундан ҳимоя-ниш, асосан ўқувчилар аудиториясининг "имму-нитети"га боғлиқ, Қолаверса, бу борада қонун-чилик назорати ҳам ўрнатилган.

Қонунчилик

2014 йилнинг 4 сентябр куни Президентимиз Ислоҳ Каримов "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгар-тиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга имзо чекканди. Жумладан, Ўзбеки-стон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган "Ахборотлаштириш тўғриси-да"ги Қонунига блогерлар билан боғлиқ қўшим-чалар киритилди.

Қонуннинг "Асосий тушунчалар" номли 3-моддасига "блогер" атамасига изоҳ берувчи норма қўшилди. Унга кўра, блогер — Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ҳамма эркин фой-даланиши мумкин бўлган, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа хусусиятга эга ахборотни жойлаштирувчи, шу жумладан, ахборотдан фойдаланувчилар томонидан ушбу ахборотни муҳофама қилиш учун жойлаштирувчи жисмоний шахс ҳисобланади.

Мазкур қонунга "Ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборотни Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш" номли 12-модда ҳам киритилди.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ФАОЛ ВАКИЛЛАРИ

“

Фаол блогер — фуқаролик жамиятининг фаол вакилидир. Бугунги фаол блогер — шунчаки ички кечинмалар билан чекланиб қолувчи виртуал-кундалик муаллифи эмас.

”

Ўзбек блогерлари чемпионати

Ўзбекистонлик интернет-фойдаланувчилари орасида профессионал блог юритиш кўникма-ларини ривожлантириш орқали уларнинг фуқ-ролик жамиятидаги фаоллигини ошириш мақ-садида 21 март кундан ўзбек блогерлари ўртасида иккинчи чемпионатга старт берилди. Мазкур чемпионат Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривож-лантириш жамоат фондининг молиявий кўма-гида ўтказилмоқда.

Ўтган йили ўтказилган илк чемпионат ўзбек тилида юритиладиган бир қанча блогларни кашф қилганди. Уч босқичда ташкил қилинадиган бу йилги танлов янада кўпроқ иштирокчи-ларни жамлаши дастлабки кунларданок ойдин-лашди. Чемпионатга старт берилганидан сўнг, олти кун ичида 100дан ортиқ блогер танловда қатнашиш истагини билдирди.

Чемпионат апрел ойи охирига қадар давом этади ва ғолибларни 3 май — Халқаро матбуот эркинлиги куни арафасида тақдирлаш режа-лаштирилган. Танловнинг умумий соврин жа-мғармиси қарийб 10 млн. сўмни ташкил қилмоқ-да. У уч босқичда ўтказилади:

● 1-босқич: 21 март — 2 апрел, иштирок-чилар сони чекланмаган;

● 2-босқич: 7—14 апрел, биринчи босқичдан ўтган энг яхши 30 нафар блогер иштирокида;

● Финал: 19—26 апрел, иккинчи босқичдан ўтган энг яхши 10 нафар блогер иштирокида.

Танловда 1, 2, 3-ўринлар соҳиблари аниқла-нади. Шунингдек, "Ватанпарварлик мавзусида ёзилган энг яхши иш", "Ўзбекистонда ёшлар ҳаётини ёритган энг яхши блогер", "Ижтимоий муаммоларни ноодатий тарзда ёритган бло-гер", "Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилган энг яхши блогер", "Ўз ишларида ўзбек тилининг имло қоидаларига амал қилган энг яхши бло-

гер" каби номинациялар бўйича ғолиблар тақ-дирланади.

Чемпионат ҳамкори UZINFOCOM маркази томонидан финалга йўл олган барча 10 нафар блогерларга 2 йил муддатга текин хостинг ажратилади. Бунда 1-3 ўринларни олган бло-герларга 1 Гб. ҳажмдаги, қолган 7 нафар финалчиларга эса 250 Мб. ҳажмдаги хостинг тақдим этилади. "IT Blog" йўналишидан танлан-ган блогерларга ҳам UZINFOCOM марказидан алоҳида совринлар бор.

Танловда миллати, жинси, ёши ва яшаш жойидан қатъи назар Ўзбекистон Республика-си фуқароси бўлган жисмоний шахслар қатна-ша олади. Чемпионатда ўзбек ёки қорақалпоқ тилида ёзилган ишлар қабул қилинади.

Ҳар бир иштирокчи танловни ўтказиш учун махсус яратилган <http://blog.telegraf.uz> сайти-да рўйхатдан ўтади. Шундан сўнг ўзининг блогисти манзилни ушбу сайт орқали ташки-лотчиларга тақдим этади.

Эътиборли томони, танловда нафақат блог юритадиган, балки блоги мавжуд бўлмаган шахслар ҳам бемалол қатнашиши мумкин. Шахсий блоги мавжуд бўлмаган шахслар эса ўз ишларини uzbloggerlar@gmail.com электрон почтасига юборишса бўлди, танловга қабул қилинади. Блоги йўқ шахслар томонидан uzbloggerlar@gmail.com электрон почтасига юборилган ишлар fkr.uz сайтида "Блогерлар чемпионати" умумий руҳни остида муаллифи кўрсатилган ҳолда чоп этилади.

Ғолиблар овоз бериш йўли билан аниқлана-ди. 1-босқичда фақат ҳакамлар ҳайъати овоз бериши мумкин, иккинчи ва финал босқичида эса ҳакамлар, блогерлар ва оддий ўқувчилар-нинг овози ҳам ҳисобга олинади.

Маҳорат майдони

Фаол блогер — фуқаролик жамиятининг фаол вакилидир. Бугунги фаол блогер — шунчаки ички кечинмалар билан чекланиб қолувчи вир-туал-кундалик муаллифи эмас. У ахборотлаш-ган жамият тараққиёти жараёнида иштирок этувчи шахс. Йирик компаниялар томонидан таниқли, тажрибали блогерларни турли тадбир-ларга таклиф этиш одатий тус олган. Блогерлар тадбирларда ОАВ вакиллари билан ёнма-ён иштирок этишмоқда. Келажакда журналистика соҳасида фаолият юритишни мақсад қилган ёшлар учун эса, блог — дастлабки тажриба, синов ва маҳорат майдони ҳамдир. Юқоридаги каби танловлар интернет тармоғида ўзбек ти-лидаги фойдали ресурсларни бойитибгина қолмай, ўзбек блогерларининг маҳорати ва фаоллиги ошишига, уларнинг ўқувчилари ауди-торияси кенгайишига, янги номлар кашф эти-лишига хизмат қилса, ажабмас.

Лутфилло ТУРСУНОВ

Единый портал

Поиск медицинских препаратов

На Едином портале интерактивных государственных услуг совместно с АК "Дори-Дармон" запущена новая интерактивная услуга — "Поиск и получение информации об имеющихся препаратах в сети аптек АК "Дори-Дармон".

Новая услуга поможет найти нужную потребителю информацию о наличии и цене лекарственных средств и изделий медицинского назначения, а также информацию об адресе и местоположении по сети аптек АК "Дори-Дармон" по всем регионам республики.

Данная услуга станет еще одним удобным инструментом, в том числе, и для людей пожилого возраста, которые смогут быстро найти необходимые препараты или изделия.

Любому обратившемуся лицу предоставляется следующая информация:

- о наличии лекарственных средств и изделий медицинского назначения;
- о цене лекарственных средств и изделий медицинского назначения;
- об адресе аптек и/или аптечного филиала;
- номера аптек и/или аптечного филиала.

Artel и Samsung

запускают новое производство техники

Узбекистан с визитом посетила генеральная делегация компании "Samsung Electronics Co.Ltd." во главе с вице-президентом Сихо Джангом. Главной целью визита стала официальная встреча с представителями торговой марки "Artel", в ходе которой был подписан долгосрочный контракт по реализации производства сплит-систем (бытовых кондиционеров) на действующих производственных площадках узбекской компании.

Проектный ввод в серийное производство сплит-кондиционеров, под брендом Samsung, рассчитан на начало второго полугодия 2015 года.

При этом, южнокорейская сторона взяла на себя обязанность по экспорту в 2015 году в страны СНГ и ближнего зарубежья более 30% произведенной продукции, с последующим увеличением объемов экспортируемой продукции до 60% в течение трех лет.

Кроме того, в ходе данного визита глава иностранной делегации выразил свою готовность инвестировать и в другие подобные проекты. Ярким подтверждением стало заключительное согласование со специалистами компании Samsung деталей совместного проекта по производству персональных LED мониторов. Совместная продукция будет производиться под брендом Samsung на производственных территориях "Artel" и с инициалами "O'zbekistonda ishlab chiqarilgan".

"ALSKOM"

разработала новый страховой продукт "Эъзоз" для лиц старшего поколения

Страховая компания АО "ALSKOM", в целях исполнения программы, утвержденного в честь Года внимания и заботы о старшем поколении, разработала новый страховой продукт "Эъзоз", предназначенный для страхования физических лиц преклонного возраста от несчастных случаев и заболеваний.

В рамках дальнейшей реализации данной программы, компанией предусмотрена продажа этих полисов населению, проживающему в отдаленных районах республики, через региональные филиалы и отделения, а также через разветвленную агентскую сеть акционерного общества "Ўзбекистон почтаси".

Информационно-библиографический отдел является одним из структурных подразделений Информационно-библиотечного центра "Билим". Библиографическая деятельность центра в значительной мере определяет ее лицо как информационного, культурного и образовательного учреждения. От правильной постановки работы отдела в немалой степени зависит эффективность и качество работы ИБЦ "Билим".

Списки и пособия, картотеки, открывают пользователям клад библиотеки

Основными направлениями деятельности информационно-библиографического отдела являются: создание и ведение справочно-библиографического аппарата (СБА), информационно-библиографическое обслуживание (ИБО) пользователей, составление библиографических пособий различного целевого и читательского назначения, оказание консультативной и методической помощи Информационно-ресурсным центрам г. Ташкента.

Приоритетом библиографической деятельности отдела является информационно-библиографическое обслуживание. В настоящее время специалисты используют как традиционные методы и приемы классической формы ИБО, так и новые, активно развивающиеся на основе информационных технологий.

Пользователи ИБЦ "Билим" обращаются к библиографам с различными запросами: начиная от сведений фактографического и тематического характера, наличия и местонахождения запрашиваемых документов и заканчивая предоставлением самого документа или его копии. Распространенной формой ответа на данные запросы является библиографическая справка. Для выполнения всех видов справок библиограф использует не только источники, имеющиеся в фондах ИБЦ "Билим", но и активно пользуется возможностями интернета. Также пользуется большой популярностью "библиографическая консультация", когда в ответ на разовый запрос специалисты ИБО дают советы по самостоятельному использованию путей и средств библиографического поиска. Таким образом, пользователи информации приобретают опыт библиографической работы и информационной грамотности.

Базой ИБО является справочно-библиографический аппарат. От его состояния зависит качество информационно-библиографического обслуживания, степень оперативности, полноты и точности ответов.

Справочно-библиографический фонд отдела состоит из нормативных и официальных, справочных и библиографических изданий, как в традиционном так и электронном формате.

Система каталогов и картотек важнейшая и самая подвижная часть СБА. Они являются ядром и основой информационно-библиографического обслуживания пользователей. Система каталогов и картотек ИБЦ

"Билим" состоит из традиционных (карточных) и нетрадиционных (электронных частей).

Автоматизация библиотечно-библиографических процессов внесла коренные изменения в состав, структуру, функционирование справочно-библиографического аппарата и резко повысила его эффективность. Электронный каталог, электронная картотека статей, а также тематические электронные базы данных, создаются специалистами центра с помощью АИБС "ИРБИС".

Центр является активным подписчиком периодики, выходящей в республике и за ее пределами. Сотрудники ИБО занимаются аналитической росписью статей из газет и журналов. Для более оперативного выполнения информационных запросов пользователей созданы библиографические базы данных. Они облегчают поиск статей из периодических изданий.

Тематические базы данных отражают документы по наиболее актуальной и востребованной пользователям и пополнена новыми картотеками.

В ИБЦ "Билим" особую популярность приобрели малые формы рекомендательной библиографии: персональные памятки, рекомендательные списки литературы и др. Такие пособия отличаются мобильностью, актуальностью, оперативностью, а также помогают своевременно донести информацию о новой литературе, писателях, обо всем, что интересно нашему читателю.

На сегодняшний день накоплен архив библиографических пособий, выпускаемых Информационно-библиографическим отделом ИБЦ "Билим". Конечно, наша печатная продукция, по качеству и оформлению, отстает от пособий, выпускаемых библиографами Национальной библиотеки Узбекистана им. А.Навои. Тем не менее, она не остается незамеченной. Пользователи библиотеки активно используют данный систематизированный материал для получения необходимой информации. Будем надеяться, что работа специалистов по информационно-библиографическому обслуживанию пользователей окажет положительное влияние на создание позитивного образа библиотеки в сознании наших пользователей.

В. МУРАТОВА,
заведующая информационно-библиографическим отделом ИБЦ "Билим"

Хабарлар +tv

ЎЗБЕКИСТОН

ДУШАНБА — 30 МАРТ

5.55 Қўрсатувлар дастури.
6.00 Ассалом, Ўзбекистон!
7.00 Ер сайёраси. Х/ф.
7.20 Миллий сериал: "Белор туйғулари".
8.00 "Абдор".
8.40 Табиат қучлари. Х/ф.
9.30 "Рухшўноқ". Т/с.
10.10 "Нотариус маслаҳати".
10.20 "Ватанпарвар".
11.20 "Абдор".
11.10 "Муқаддас ришталар". Т/с.
11.55 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Комиссар Рекс". Т/с.
14.00 "Абдор".
14.15 "Зиё" студияси: "Этиқод мустақамлиги йўлида".
14.45 Миллий сериал: "Меҳмон-қонадлар айланай".
15.15 "Тинч океани". Х/ф.
15.40 "Билимдан". Интеллектуал танлов.
16.40 "Иқлим".
16.45 "Чашмалар". Х/ф.
17.00 "Абдор".
17.10 "Субботадош".
17.20 "Қорачик".
17.40 "Агроолам".
18.00 "Қўнға қўшиқ истайди".
18.05 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
18.50 "Иқлим".
19.05 "Иқимонит".
19.25, 20.00 20.55 Эълонлар.
19.30 "Абдор"/рус/.
20.05 "Муқаддас ришталар". Т/с.
21.00 "Абдор".
21.40 "Муносибат".
22.25 "Қўнға қўшиқ истайди".
22.30 - 23.15 "Доктор Хаус". Т/с.
23.15 "Ватанпарвар".
00.00 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
00.40 "Агроолам".
1.00 "Абдор"/рус/.
1.30 Миллий сериал: "Меҳмон-қонадлар айланай".
2.00 "Чашмалар".
2.20 ТелеТеатр: "Девона". 1-қисм.
3.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
4.00 "Абдор".
4.40 Миллий сериал: "Белор туйғулари".
5.20 "Қорачик".
5.40 - 5.55 "Қандай гўзал бу дунё".

1.00 "Соғлом ҳаёт".
1.20 "Наврўз нафаси".
1.40 "Су эшилари".
2.00 "Илком-шоу".
2.40 "Ош бўлини".
3.10 "Тараннум".
3.50 "Муъжизавий дунё".
4.40 "Доктор Қўни". Т/с.
5.30-6.00 "Давр".

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним".
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00.
"Рўхташ".
6.20 Миллий сериал: "Фидойилар".
7.00 "Тошкент вақти".
9.10 "Ўш Мария". Т/с.
9.50 "Рўхташ-спорт".
10.20 "Посредник Кейт". Т/с.
11.10 "Воля слонам". Х/ф.
13.10 "Дўбандиш" тележурнали.
13.45 "Рўхташ-теропат".
14.10 "Профессионал".
14.30 "Рўхташ-biznes".
14.35 "Холис назар".
15.10 "Иттиқом". Т/с.
"Рўхташ-спорт".
16.10 "Қочоқлар". Б/ф.
17.35 "Эртаниш эгалари".
17.55 "Ишга марҳамат".
18.20 "Химов".
18.35 "Тошкентнома".
18.50 "Рўхташ-interуq".
19.00 "Ўш Мария". Т/с.
19.45 "Теле-маркет".
20.20 "Иттиқом". Т/с.
21.10 "Пойтахт аялудари".
21.35 "Рўхташ-eko".
21.45 "Теле-маркет".
22.20 "Человек из стали". Х/ф. 1-қисм.
23.00 "Химов".
00.05 "Эртаниш эгалари".
00.30 "Мобильная камера".
00.40 "Телехалат".
1.00 "Рўхташ-eko".
1.10 "Посредник Кейт". Т/с.
1.50 "Рўхташ-biznes".
2.10 "Жульеттага мактуб". Б/ф.
5.55-5.55 "Тошкент вақти".

18.20 "Телеспорт".
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 "Болалар спорти".
19.20 Дюло. Гран при турнири.
20.20 "Дўбод шарди".
21.25 "СПОРТ-МАРКЕТ".
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 "Sport Meteo".
21.55 Оғ спортни.
22.45 Фигурали уюш. Жаҳон чемпиони.
23.45 АНОНС.
23.50 "SPORT REPORT".
00.00 АНОНС.
00.05 Профессионал бокс.
00.55 АНОНС.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.20 АНОНС.
1.25 Велобол. Чемпионлар лигаси.
2.35 АНОНС.
2.40 Мотоқросс. Жаҳон чемпиони.
3.25 АНОНС.
3.30 Велоспорт. Халқаро турнир.
4.40 АНОНС.
4.45-6.00 Теннис. АТР/ВТА турнири.

04.00 Телеканал "Доброе утро".
07.00 08.00 11.00 14.00 Новости.
07.05 "Поле чудес".
08.10 Контрольная закупка.
08.35 "Жить здорово".
09.35 Мозный приговор.
10.30 Фасела.
11.35 "Сегодня вечером".
13.05 Смак.
13.40 "Время покажет".
14.20 "Время покажет".
15.15 "Мужское/Женское".
16.10 "Наедине со всеми".
17.00 Вечерние новости.
18.00 "Давай поженимся".
18.00 "Пусть говорят".
20.00 "Время".
20.30 Т/с "Фария".
22.20 "Вечерний Ургант".
22.55 "Пониз".
23.55 Ночные новости.
01.00 "Наедине со всеми".
01.10 "Время покажет".

РОССИЯ 1

09.00 23.35 "Украденные коллекции".
09.55 "О самом главном". Ток-шоу.
11.00, 14.00, 17.00, 17.30, 20.00 Вести.
11.35 14.30, 17.10, 19.35 Вести-Москва.
11.55 Т/с "Тайны следствия".
12.55 "Собственный случай".
14.50 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с "Последний выиграв".
16.00 Т/с "Цвет черемухи".
18.15 "Прямой эфир".
20.50 "Спокойной ночи, малыши".
21.00 Т/с "Пелес".
00.35 "Тений разведки. Артур Артунов".
01.35 Т/с "Автомат".

08.00 Дело врачей.
09.00 12.00 15.00, 18.00 Сегодня.
09.20 Т/с "Возвращение Мухтара".
11.00, 12.20 Суа присяжаны.
13.30 Обзор. Чрезвычайное

проектирование.
14.00 Вел бунет хорошо!
15.20 Т/с "Улицы разбитых фонарей".
17.00 Говорим и показываем.
18.40 Т/с "Ленинград 46".
20.40 Т/с "Ментовские войны".
21.40 Анатомия тела.
22.30 Т/с "Мастера секса".
23.40 Т/с "Погони за тенью".
00.45 "Мастодонт итальянски".
"Кресты по-итальянски".
01.45 Судебный детектив

РОССИЯ K

10.00, 15.00, 19.00, 23.10 Новости культуры.
10.15 "Наблюдатель".
11.15, 01.40 Х/ф "В родном городе".
12.20 Линия жизни. Никита Михалков.
13.20 Х/ф "Судья человека".
15.10 "Притоктары дверь".
Писатель Л. Пантелеев.
15.40 Д/ф "Головная боль господина Люмьера".
16.20 "Судьяба Крючинского".
Спектакль.
19.15 Главная роль.
19.30 "Театральная летопись. Избранное".
20.10 "Спокойной ночи, малыши".
20.25 "Правила жизни".
20.50 Д/ф "Звезды о небе".
21.20 "Время времен".
22.05 "Богам жаждут".
23.00 Д/ф "Франц Фердинанд".
23.30 Д/ф "Новый русский дизайн".
00.20 "Кино и поэзия. Пересечение параллельных".
01.00 С.Рахманинов. Симфония №3.
02.40 Д/ф "Собор в Ахене. Символ религиозно-светской власти".

СТС

08.00 Музылсериал.
09.00 "Животный смех".
09.30 "Планины дочки".
10.30 14.30 19.00 "Ералаш".
11.00 18.00 "Газизов".
14.00 "Звездная пыль".
16.00 Шоу "Уральских пельменей".
Тень знаний. Часть 2.
17.00 "Маргоша". Скетчком.
20.00 "Корабли".
22.30 "Трон: наследие". Фантастический боевик.
00.20 "Агенти Ш. И. Т.". Фантастический сериал.
01.00 02.30 "o кардон".
01.30 "Кино в деталях с Фёдором Бондарчуком".
02.45 "Печать шара Соломона".

ТВЗ

09.30 Д/с "Вокруг света".
10.30, 11.30, 12.30 Д/с "Знахарки".
13.30 Д/с "Городские легенды".
14.00, 14.30 Д/ф "Охотники за привидениями".
15.00 "Мистические истории".
16.00, 16.30 Т/с "Галлака".
17.00, 17.30 Т/с "Слепая".
18.00, 01.00 "Х-версии. Другие истории".
18.30 Т/с "Пятая стража".
19.30, 20.20 Т/с "Поимни все".
21.15, 22.05 Т/с "Менталисти".
23.00 Х/ф "Сквозные ранения".
01.30 Х/ф "Гостя из будущего".

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 "Ватан мекри".
6.10 Тараннум.
7.00 "Бир қалам". Т/с.
7.40 "Ешиқ наволяри".
8.00 "Виннету". Б/ф. 1-қисм.
9.50 "UzEX".
10.00 "Қамолот-инфо".
10.10 "Қаоскор бурғут". Т/с.
11.00 "Муъжизавий дунё".
12.00 "Доктор Қўни". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Шерлок". Т/с.
14.50 "Соғлом ҳаёт".
15.10 "Отин даярин". Т/с.
16.00 "Давр".
16.10 "Янги дунё". Т/с.
17.00 "Қамолот-инфо".
17.10 "Су эшилари".
17.30 "Девор". Б/ф. 1-қисм.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Сарой җаҳоҳири". Т/с.
20.20 "Нуган назар".
20.50 "Ешиқ наволяри".
21.10 "Қаоскор бурғут". Т/с.
22.30 "Давр".
22.50 "Этиқ қизимти". Б/ф.
00.00 "Узбек адабиёти".

SPORT

6.00 "Хайри тонг".
6.05 Қўрсатувлар тартиби.
6.10 "Қорақалпоқ спорти".
6.25 АНОНС.
6.30 "Орзулар кемаси".
6.55 АНОНС.
7.05 "SPORT EXPRESS".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 "Sport Meteo".
8.35 ИНТЕРФУТБОЛ.
10.15 АНОНС.
10.20 "Манчестер Юнайтед юзлудари" Хужжати фильм.
10.40 АНОНС.
10.45 "Эрильроф".
10.55 АНОНС.
11.00 "SPORT REPORT".
11.10 Дюло. Гран при турнири.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "SPORT-EXPRESS".
13.00 Баскетбол.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.20 Фигурали уюш. Жаҳон чемпиони.
15.25 Велоспорт. Халқаро турнир.
16.50 Теннис. АТР/ВТА турнири.
18.05 Қўрсатув тартиби.
18.10 "Спорт сайёраси".

ЎЗБЕКИСТОН

НТВ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
7.00 "Ёр сайёраси". Х/ф.
7.20 Миллий сериал: "Белор туёулар".
8.00 "Авборот".
8.40 "Табият кўчалари". Х/ф.
9.30 "Рухулес". Т/с.
10.10 "Суббиттон".
10.20 "Агроолам".
10.40 "Коричёк".
11.00 "Авборот".
11.10 "Муқаддас рингалар". Т/с.
11.55 "Йиқин".

12.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
13.00 "Конисар Рекс". Т/с.
14.00 "Авборот".
14.15 "Кўрағалларнинг ҳақиқати".
14.40 Миллий сериал: "Меҳмонжонлардан айланган".
15.10 "Тинч океани". Х/ф.
15.35 "Йиқини".
15.55 "Йиқин".
16.00 "Тезкор хабарлар".
16.10 "Қўниги бошқин".
16.30 "Авборот". /иниқилу/.
16.40 "Тараққийёт ташвири".
17.00 "Авборот".
17.10 "Заҳомқошлар". Х/ф.
13.45 Большой футбол
14.05 Х/ф "Подстава"
18.00, 21.40, 23.55
Большой спорт
18.25 Хоккей.
20.45 "Иду на таран"
21.55 Футбол. Россия - Казахстан. Прямая трансляция
00.15 "Битва за сверхзвук. Правда о ТУ-144"
02.50 "Эволюция"

04.10 "Моя рыбалка"
04.40 "Диалоги о рыбалке"
05.10 "Язь против еды"
05.35 "Рейтинг Баженова. Могло быть хуже"
06.05 Т/с "Пыльная работа"

Чоршанбе

08.30 Панорама дня.
LIVE
10.40, 01.00 Х/ф "Временщик. Спасти Чапая!"
12.25, 02.40 "Эволюция"
12.55, 15.55 Биатлон.
14.30 Большой футбол
14.50, 15.20 "Опыты дилетанта"
17.30 Х/ф "Схватка"
21.20, 23.45 Большой спорт
21.25 Хоккей.
00.05 "Сухой. Выбор цели"
04.05 Смешанные единоборства. "Грозная битва"
06.05 Т/с "Пыльная работа"

Пайшанбе

08.30 Панорама дня.
LIVE
10.40, 00.35 Х/ф "Временщик. Янтарная комната"
12.25 "Эволюция"
12.55, 14.55 Биатлон.
13.50 Большой футбол
15.50 Х/ф "Мы из будущего"
18.05, 20.45 Большой спорт

спорт
18.25 Хоккей.
21.05 Х/ф "Смертельная схватка"
02.15 "Эволюция"
04.05 Профессиональный бокс
06.05 Т/с "Пыльная работа"

Жума

08.30 Панорама дня.
LIVE
10.35 Х/ф "Мы из будущего"
12.50 "Эволюция"
13.45 Большой футбол
14.05 Т/с "Котовский"
21.00, 23.45 Большой спорт
21.25 Хоккей.
00.05 Х/ф "Схватка"
03.55 "Эволюция"
05.20 "Человек мира". Камбоджа
06.20 Смешанные единоборства

Шанба

08.30 Панорама дня.
LIVE
10.25 "Диалоги о рыбалке"
10.55 Хоккей с мячом.
12.45, 18.45, 01.15
Большой спорт
12.55, 14.55 Биатлон.
16.00 "24 кадра"
16.30 Х/ф "Курьеский особой важности"

18.55 Хоккей.
21.15 Х/ф "СМЕРШ. Скрытый враг"
01.35 Баскетбол.
03.25 Волейбол.
05.15 "НЕпростые вещи". Автомат Калашникова
05.45 "Максимальное приближение". Корея
06.25 Профессиональный бокс

Суббота

08.30 Панорама дня.
LIVE
10.20 "Моя рыбалка"
10.50 "Главная сцена"
13.15 Большой спорт
13.40 Биатлон. Гонки чемпионов
15.30 "Биатлон с Дмитрием Губерниевым"
16.00 Биатлон.
19.55 Хоккей.
22.15 Х/ф "Смертельная схватка"
01.45 "Большой футбол с Владимиром Стогниенко"
02.30 Биатлон.
04.05 "За гранью". Перекроить планету
04.30, 05.00 "Опыты дилетанта"
05.30 "За кадром". Вьетнам
06.20 "Мастера". Гончар
06.50 Т/с "Пыльная работа"

● ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

Табрикларимиз!

"Ўзбекистон почтаси" АЖ
Фаргона филиали жамоаси Кува
ПАТ ходимлари Нурмаҳамад
ТЕШАБОВНИ муборак 60 ёши,
Ўрибтой МАМАЖОНОВНИ 55 ёши
билан чин юрдадан табриклайди.
Уларга узоқ умр, фарзандлар
роҳатини кўришни тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ
Андижон филиали жамоаси ва
филиал касабга уюшма кўмитаси
Пойтуғ почта алоқаси тармоғи
почта технологиялари муҳандиси
СОДИҚЖОН НАЗАРОВНИ 50 ёш
билан самимий табриклайди.
Унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр,
оилавий хотиржамлик тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фаргона
филиали жамоаси Кўқон ТВ
ходими Зокиржон
БЕКМУРОДОВНИ 60 ёши, Ёзёвон
ТВ ходими Исадулло
ПУЛАТОВНИ 55 ёши билан
самимий қутлайди. Уларга соғ-
омонлик, фарзандлар бахт-
камолини кўришни тилайди.

Юртимизда юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жараёнларини тартибга солиш мақсадида қабул қилинган бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатларининг амалда ўз ижросини топиши борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Андижон вилоятида юридик мақомдаги хусусий тадбиркорлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида ташкил этилган 50дан ортиқ интернет-кафелар хизмат кўрсатяпти. Улар фаолиятининг қонунийлигини таъминлаш мақсадида Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг Андижон вилояти ҳудудий бўлини-маси томонидан режа асосида мунтазам профилактика ишлари олиб борилаётир.



Интернет-кафелар талаб даражасида бўлиши зарур

2014 йил давомида Андижон вилояти ҳудудий бўлини-маси томонидан бевосита 90та ҳўжалик юритувчи субъектга ташриф буюрган ҳолда тушунтириш ишлари олиб борилиб, алоқа хизматлари кўрсатувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар ходимлари билан 17 мартаба ўқув-семинарлар ташкил этилиб, ҳўжалик юритувчи субъектларда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида лицензиялаш масалаларига доир "Очиқ эшиклар куни" тадбирлари мунтазам ўтказиб келиняпти. Аммо шунга қарамастан бўлини-ма томонидан ўтказилган профилактик тадбирлар давомида Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарорига зид равишда баъзи юридик ва жисмоний шахслар, лицензияси бўлма-са-да, пулли маълумотлар узатиш (интернет) хизмати кўрсатиш ҳолатлари ҳам аниқланмоқда. Жумладан, 2014 йил давомида ўтказилган профилактик тадбирлар жараёнида ҳудудимизда уч нафар хусусий тадбиркор ва 2015 йил январ ойида ўтказилган тадбирда бир нафар жисмоний шахс томонидан тегишли рухсатномасиз маълумотлар узатиш (интернет) хизмати кўрсатилаётгани аниқланиб, уларга нисбатан қонуний чоралар кўриш учун тегишли идораларга маълумотлар юборилди.

Республикамизда миллий ахборот тизимларини шакллантириш, жамият ҳаёти ва бошқаруving барча жабҳаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва улардан самарали фойдаланиш учун зарур шароитлар яратилган. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг Андижон вилояти ҳудудий бўлини-маси тадбиркорлик субъектларига алоқа соҳасидаги лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириши учун бундан кейин ҳам амалий ёрдам кўрсатади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, давлатимиз томонидан тадбиркорлик субъектларига маълумотлар узатиш фаолияти учун лицензия божлари янада қисқартирилганлигини инобатга олиб, аҳолига маълумотлар узатиш хизматлари кўрсатиши лицензия олган ҳолда, Адлия вазирлигида 2014 йил 14 мартда 1393-3 рақам билан рўйхатга олинган Жамоат фойдаланиш жойларида интернет тармоғидан ахборот олиш имконини бериш тартиби тўғрисида низом асосида амалга ошириш талаб этилади.


А. МАМАСОБИРОВ,

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг Андижон вилояти ҳудудий бўлини-маси бошлиғи



Янги алоқа стандарти ҳисобланган 5G келажакда мобил алоқани юқори чўққига олиб чиқиши кутилмоқда. Нуфузли компаниялар мутахассисларининг айтишларича, бешинчи авлод тармоқлари 2020 йилда пайдо бўларкан. Нега энди 2020 йилда?

Қуйидаги сурат бунга ойдинлик кiritади.



Кўриниб турибдики, ҳар бир алоқа авлоди орасидаги фарқ 10 йилга тенг. Демак, мантиқан олганда, 5G мобил алоқа авлоди асримизнинг 20-йиллари бошларида пайдо бўлиши ҳақиқатга яқин. Хўш, қайси хусусиятлари билан 5G стандарти аввалгиларидан фарқ қилади ёки афзалликларга эга.

Зўрлиги шундаки...

Биринчидан, маълумотларни узатиш тезлиги яхшиланади, яъни маълумот узатиш назарий тезлиги 10 Гбит/сония ва ундан юқори.

Иккинчидан, алоқа ўрнатиш ва ула-нишдаги кечикишларнинг камайиши.

Учинчидан, тармоқ ҳажмининг анча кенгайиши, яъни интернетга уланувчи-лар сонининг ошиши.

Тўртинчидан, келажакда бу тармоқ-ларга деярли барча нарсалар (автомобиллар, ҳар хил қабул қилувчи ва узату-вчи (датчик)лар ва ҳоказолар) ула-ни-ши мумкин.

Бешинчидан, тармоқ моделининг ўзгариши, яъни 5G мобил алоқа ав-ло-ди тармоқларида асосий ўринни ҳозирги тармоқлардагига ўхшаб база станциялари эмас, балки абонентлар эгаллайди. Маълумки, ҳозирги тар-моқларда абонентлар тармоқларга ўзларича уланади, яъни антенна қиди-радилар (кўп ҳолларда), 5G мобил алоқа авлоди тармоқларида эса "ақли-ли" антенналар қўлланилади — қайси абонентга қандай узатиш тезлиги ке-раклиги ёки антенналарнинг йўнал-ганлик даражаси қандай бўлиши ке-раклигини антенналарнинг ўзи бел-гилайди. Агар бир пайтда битта уя (сота)да битта абонент гаплашаётган бўлса, антенна автоматик равишда қисқа йўналиш каналига ўтади. Бу эса сигнал/шовқин нисбати ва маълумот-лар узатиш тезлиги ошишини таъ-минлайди.

Олтинчидан, маълумот узатиш те-злигини ошириш учун юқори частота диапазоли керак бўлади ва ўтказиш полосаси кенгроқ бўлиши керак, яъни 100 Мг/сония ва ундан юқори бўлиши кутуляпти. Лекин шуни ҳам назардан қочирмаслик керакки, частота қанча катта бўлгани сари, халақитбардошли-лик камайиб, алоқа масофаси кичрайиб боради. Яъни, уяларнинг радиуси ка-

майиб бораверади. Демак, хулоса қилиш мумкинки, 5G мобил алоқа ав-ло-ди юқори тезлик талаби бор жойда ишлатилади. Албатта, ҳозирча тўлиқ қамровни кутиш керак эмас.

Еттинчидан, 5G мобил алоқа авло-дида MIMO (ингл. Multiple Input Multiple Output — кўп кириш ва кўп чиқиш) технологиясининг ишлатилиш эҳти-моли. MIMO технологиясининг маз-мун-моҳияти шундаки, бунда бир вақ-тнинг ўзида икки ёки ундан кўпроқ антенналар ишлатилади.

Демак, 5G мобил алоқа авлоди тар-моқлари кўпроқ шахар марказлари-да, мобил телевидение ва юқори тез-ликли интернет керак бўладиган жой-ларда қурилади. Қолган жойлар эса олдинги мобил алоқа авлодлари би-лан қопланади.

Қимматми-арзон?

Nokia ҳамда Huawei компаниялари 5G тармоғи трафиғи 4G (LTE)даги трафик нархидан юқори бўлмаслигини билди-ришмоқда. Булар шунчаки тахмин бўлган-и боис ҳозирча унинг аниқ нархи тўғри-сида бир нарса дейиш қийин.

5G-талаблар:

- Исон саломатлиғи учун хавф-сиз;
- Энергетик самарадорлик;
- Юқори сифатли алоқа.

Изланишлар этади давом

Бешинчи мобил алоқа авлоди тармоқ-лари устида бутун дунё олимлари иш олиб боришяпти. Улар қаторида бир қанча катта компаниялар ҳам бор. Huawei (Хитой), BellLabs (АҚШ) ёки 2018 йилги Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг очилиш маросимида 5G мобил алоқа авлодини ишга туширишни режалаш-тирган "Мегафон" (Россия) компания-ларини мисол сифатида тилга оламиз.

5G мобил алоқа авлодининг ишлаш частотаси диапазони ҳали-ҳануз ҳал қилинмаган. Кўпгина мамбаларда 791-862 МГц, 2.5-2.69 МГц ва 5 ГГц диапа-зонларда ишлатилиши айтилган. Ле-кин 791-862 МГц ва 2.5-2.69 МГц частота диапазонлари 4G мобил алоқа авлоди-га ажратилгани барчамизга маълум-ку?! Хуллас, бу авлодининг якуний па-раметрлари Халқаро электралоқа итти-фоқи томонидан ҳозирча тасдиқланма-ган. Муаллиф-ишлаб чиқарувчиларнинг фикрича, 2015 йилнинг охирида бу стандарт параметрларининг талаб-лари чиқади. Унга эса 5G мобил алоқа авлоди борасидаги ҳар қандай мезон-лар шунчаки тахминдир, холос.

Шунга қарамастан, бир нарса аниқ, бу алоқа авлоди яратилиш арафасида ва умобил алоқа авлодлари орасида энг сифатли ва энг юқори тезликни таъмин-ловчи алоқа тармоғи бўлиши тайин.

Аҳмад ОЛМАСОВ,
ТАТУ Самарқанд филиали катта ўқитувчиси,
Абдуғафур ХОТАМОВ,
ассистент

Ахборот-коммуникация соҳасини жадал суръатларда ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодийётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар ҳамда иқтисодий ислохотларнинг бош йўналишларидан бири саналади. Чунки бу соҳа нафақат республикани ахборотлашган жамиятга айлантириш учун хизмат қилади, балки у мамлакат иқтисодийётини ривожланган давлатлар даражасига кўтариш учун ҳам ўзига хос етакчи тармоқ ролини ўйнайди. Мамлакатимизда ахборот технологиялари ва телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ишларида Қашқадарё вилоятининг ўз ўрни ва ҳиссаси бор.

Телекоммуникациялар

Вилоятда Хитой тараққиёт банки билан ҳамкорликда Қарши-Термиз оптик толали алоқа линиясининг ишга тушиши коммуникация тармоғини ривожлантиришда янги қирраларни очиб берди. Эндиликда телефон алоқаси хизмати янада сифатли ва замонавий, юқори тезликдаги алоқа линияси интернет хизматидан фойдаланиш учун қулайликлар яратмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда вилоятда ер куррасининг исталган нўқтаси билан алоқа ўрнатиш имкони мавжуд.

Қашқадарёда 2014 йили интернетдан юқори тезликда фойдаланувчи абонентлар сонини кўпайтириш режаси амалга оширилиши натижасида йил якунига келиб, вилоят ва туман марказларидаги телефон станцияларида фойдаланилаётган интернет тармоғига юқори тезликда уловчи ускуналарнинг абонент нўқталари (DSLAM ва MSAN портлари) сони 2204тага кўпайиб, жами 21216тани ташкил этди. Натижада интернетга юқори тезликда уланувчи абонентлар (ADSL модем орқали) сони 7244тага ошиб, 14356та (201,86 фоиз)га етди.

Вилоятда мултисервис хизматларини кўрсатиш мақсадида маълумотлар узатиш тезлиги вилоят марказида 10 Гбит/с. ва туман марказларида 1 Гбит/с.га етказилди. Қарши шаҳрида "Ўзбектелеком" АКнинг "Чақирувларга хизмат кўрсатиш ягона маркази" (Call center) ташкил этилиб, ўнта янги иш ўрни очилди. Республика миқёсида таълим муассасалариаро юқори тезликдаги электрон тармоқ ташкил қилиш лойиҳаси доирасида иккита (Фузор ахборот технологиялари ва Чирокчи спорт-педагогика) коллежга FTTx технологияси бўйича жами 36,8 км. ОТАЛ тортилди.

Алоқа линияларини захиралаш мақсадида Фузор-Бойсун участкасининг вилоят ҳудудидан ўтувчи қисмида 109,549 км.; Қарши шаҳрида иккита, Фузор, Косон, Қарши ва Миришкор туманларида биттадан жами олтита MSAN русумидаги ЭАТСлар ўрнатилиб, умумий узунлиги 9,81 километрлик ОТАЛ тортилди. Шу тарика вилоят бўйича тортилган ОТАЛ узунлиги жами 156,16 км.ни ташкил этди. Вилоят-

Факт

Таҳлилларга кўра, жами 195та базавий давлат хизматининг 56таси Қашқадарё вилояти корхона ва ташкилотлари томонидан интерактив шаклда, 134таси марказлашган юқори ташкилот орқали кўрсатилаяпти.

Дахлдор туйғулар қанотида



Суратларда: Қашқадарёлик телекомчи қизлар.

“ Вилоятдаги давлат бошқаруви органлари ва таълим муассасалари ўз веб-сайти орқали кўрсатаётган интерактив хизматлар сони 72тага кўпайиб, 186та (163,16 фоиз)-ни ташкил этди. **”**

да туризми ривожлантириш мақсадида Қарши аэропорти, АбуУбайда ибн ал-Жарроҳ ёдгорлик мажмуаси, Абдулазизхон мадрасаси ва Шахрисабз шаҳридаги Амир Темур моддий-маданият тарихи музейи ҳудудларида Wi-Fi зоналари ташкил этилди. Мутахассисларнинг фикрича, ҳар бир оптик тола орқали бир вақтнинг ўзиде 800-900, ҳатто мингтагача телефон сўзлашуви, битта теле ва тўртта радиотўлқиндан фойдаланиш мумкин.

Давлат бошқаруви ва технологиялар

Ҳозирги кунда Қашқадарёда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил

23 августдаги 181-қарорида кўрсатиб ўтилган, аҳолининг давлат бошқарувида фаол иштирок этишини таъминлашга қаратилган бир қанча интерактив давлат хизматлари жорий этилиб, вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти орқали 12 турдаги давлат ва 13 хил интерактив хизматлар кўрсатилмоқда. Вилоятдаги 109та давлат бошқарув органи, йирик ташкилотлар, корхоналар ва ҳудудий бошқармалар томонидан вилоят аҳолисига кўрсатилаётган ёзма ва электрон тарздаги интерактив давлат хизматлари ҳамда уларнинг веб-сайтлари ҳолати таҳлил этиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмининг жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, 2014 йил бошида Қарши шаҳри ва 12 туман ҳокимлиги ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари интернет тармоғига улаб берилиб, тадбиркорларни электрон шаклда рўйхатга олиш учун шахсий кабинетлари очилди.

Ўтган йил давомиде вилоят ташкилотларининг 94таси Е-ХАТ ва 60таси Е-Нўйжат тизимига уланди. Жорий йилнинг 1 январига Ягона интерактив хизматлар портали орқали вилоят бўйича жами 554та мурожаат тушиб, улар атрофлича кўриб чиқилмоқда.

ТАТУ Қарши филиалида "Электрон ҳукумат" лойиҳаси доирасида малакали ўқитувчилар томонидан давлат бошқарув органлари ходимларининг 224 нафари "Электрон ҳукумат" ва 1767 нафари "Компютер саводхонлиги" мавзудида ўқитилиб, уларга сертификатлар топширилди. ТАТУ ва Қарши филиали талабаларидан иборат "Бунёдкор ёшлар-2014"

ўқув отрядларида 1630 нафар аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари "Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмаси" мавзудида ўқишларга жалб қилинди. Вилоятда АКТдан фойдаланган ҳолда иш жараёнини энгиллаштириш, дастурий маҳсулотлар миллий контингентини ривожлантириш мақсадида ўтган йилнинг сентябр ойида ТАТУ Қарши филиали қошида "Дастурчилар тайёрлаш маркази" ишга туширилди.

Умидлар йили

Жорий йилда ҳам вилоят алоқачиларининг режалари улкан. Жумладан, "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали зиммасида вилоятда кенг полосали абонент нўқталари (хDSL) сонини 570 портга ошириш, NGN технологияси асосида абонент портлари сонини 1326 портга кенгайтириш, 90 км. масофада оптик толали алоқа линияларини ётқизиш, вилоятда GSM стандартидаги мобил алоқа тармоғида қўлланиладиган 30та 3G база станциясини ўрнатиш, корпоратив секторга мултимедиа хизматларини кўрсатиш учун Қарши шаҳрида битта замонавий мултимедиа студиясини ташкил этиш, маълумотлар узатиш тезлигини вилоят марказида 40 Гбит/сония ва туман марказларида 10 Гбит/сонияга етказишдек залворли вазифалар турибди.

Бинобарин, ахборот-коммуникация тармоғи аллақачон ҳаёти-миздан мустақкам ўрин эгаллаб, соҳани замон талаблари асосида йўлга қўйиш ва ривожлантириш жамият тараққиётини белгиловчи муҳим омилга айланган экан, бу ислохотлардан халқимизнинг ҳамжиҳатлиги бирдек ортиб бораверади.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

Бахтиёрлик ва олижаноблик байрами

Кун ва тун тенглашган Наврӯз Фарғонада ҳам кенг нишонланди. Янгиланиш, табиат уйғониши билан боғлиқ анъаналар, тадбирлар давом эттирилмоқда. Дошқозонда варақлаб қайнаётган сумалакда орзу-тилакларни тилаганча қапгир айлангириш палларининг завқини қай гўзалликка тенглаштириб бўларкан?

Ота-оналар, опа-сингиллар, ака-сингиллар, қариндош-уруғларни йўқлашдек, кексалар, қўшнилари, кўнгли яримлар, ўтиб кетган ота-оналарнинг дўстлари ҳолидан хабар олиш каби сон-саноксиз меҳр-мурувват, оқибат, саховат юмушларининг улуглигини қай сўзлар билан таърифласа бўлади?! Турли уйинлар, баҳслашувлар, спорт мусобақалари шавку сурури берган омадли онлар хосиятини-чи? Бир тасаввур этиб кўринг-чи! Чиндан ҳам ҳар дақиқаси минг-минг хикматларга тўла Наврӯзнинг!

Вилоятдаги алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги барча корхона ва ташкилотларда, ТАТУ Фарғона филиалида ҳам умумхалқ байрамини нишонлаш дамлари ғоятда эсда қоларли, фараҳбахш кечди. Миллий қадриятларимиз талаб этган барча урфу удумлар бажо келтирилди.

Жумладан, "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси томонидан бир гуруҳ яқка-ёлғиз собиқ ҳамкасблар ҳолидан хабар олинди. "Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси "Кексаларни эъзозлаш йили Давлат дастури"га биноан 40 нафар фахрийга Наврӯз совғаси сифатида пул мукофотлари тақдим этди.

— Бу эътибордан бениҳоя хурсанд бўлдим, — дейди бешариқлик Аҳмаджон ота Мадёров. — Юқори ташкилотларимиздан, касаба уюшмаси кўмитамиз, филиалимиз раҳбариятидан миннатдорман.

Миллий байрамимизга ҳар йили сайқал берилмоқда. Мазмун-моҳияти янада бойитилмоқда. Қаранг, 20 минг ўринли Марказий уйингоҳ ҳам "Ассалому алайкум, Наврӯзи олам!" оммавий байрам тадбири тантаналари остида кўтаринки руҳда очилганини бутун вилоят аҳли ҳадсиз шукроналик ҳислари жўшган ҳолда томоша қилдик.

Шодиёнада вилоятимиздан етишиб чиққан жаҳон чемпионлари, гроссмейстер қизларимиз, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари тилга олинганда фахр-ифтихордан кўнглим тоғдек кўтарилди. Ғолиб ёшларимиз шавду шижоатиға тасаннолар айтдим.

Филиал фахрийларидан унқўприлик Раҳматали ота Келдиев, Фарғона шахрилиқ Гулнораҳон опа Сеиджалилова, марғилонлик Рустамжон ота Шокиров каби умрини почта ривожига бахшида этганлар билан мароқли сўхбатлар ҳам Наврӯз, наврӯзий анъаналар, инсонни ва табиатни қадрлаш қадрияти ҳақида бўлди. Улар бугунги кунларидан, Ватан ва эл-юрт ардоғида эканликларидан шукроналикда умргузаронлик қилишмоқда.

Ҳафиза САЛЯХОВА,
"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

Шодиёна

"Ўзбектелеком Интернешнл" ҚК "ЎЗИ-Жиззах" филиалида Наврӯз шодиёналари бўлиб ўтди. Унга алоқа соҳаси фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари ҳамда кекса онахону отахонлар тақлиф этилди. Байрам дастурхонига баҳор таомларидан кўк сомса, сумалак ва турли ширинликлар тортилди.

Наврӯз шодиёналари кечгача давом этди.

Норкул МАЪМУР,
"Xabar"нинг Жиззах вилоятидаги мухбири

Фаслар келинчаги таширифи билан нафақат табиат, балки одамлар қалби ҳам яшариб кетади, гўё. Улар, айниқса, Наврӯз байрамини ўзгача хурсандчилик билан кутиб оладилар. Бу йил ҳам шундай бўлди. Корхона ва ташкилотларда, маҳалла ва ўқув масканларида Наврӯз катта тантана билан байрам қилинган.



Ҳарбийлар шундай нишонланди

Республикамиздаги барча алоқа корхона ва ташкилотларида бўлгани каби Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да ҳам Наврӯз ана шундай нишонланди. Аскарлар тўқин дастурхон атрофида жам бўлишиб, баҳорий таомлардан, дошқозонларда зўр ҳафсала билан тайёрланган сумалак ва паловдан тановул қилишди, кўшиқ ва рақслар ижро этиб, маза қилиб дам олишди.

Байрамга бағишланган тадбирни очар экан, ҳарбий қисм командири полковник Бекзод Аденов аскар ва офицерларни Наврӯз билан муборакбод этди.

— Зиммангизга Ватанни ҳимоя қилишдек улкан ва шарафли вазифа юклатилган, — деди Бекзод Эрқабоевич. — Сиз бу вазифани аъло даражада бажариш учун ҳарбий-дала машқларида фаол иштирок этяпсиз, кундан-кун янгиланиб бораётган янги ахборот технологияларини пухта ўзлаштириш учун тинимсиз ўқиб-изланяпсиз. Лекин, аскарлар қандай дам олишни ҳам яхши билишади. Бугунги шодиёна, ўйин-кулги шундан далолатдир. Ҳаммангизни Наврӯзи олам билан табриклаб, мустаҳкам соғлиқ, хизматда

муваффақиятлар тилайман. Юртимиз осмони ҳамisha мусаффо, ҳаётимиз тинч ва фаровон бўлсин!

Аскарлар байрами давом этар экан, биз иккита дошқозонда тўлдириб пиширилган сумалакни кимлар тайёрлагани билан қизиқдик.

— Сумалак ҳамда кўкатли таомларни қисм хотин-қизлар кўмитаси раиси Людмила Бредихина бошчилигидаги аёлларимиз тайёрлашди. Бу борада Феруза Исаеванинг хизматларини алоҳида таъкидлашни истар эдим, — деди қисм касаба уюшмаси кўмитаси раиси Афзалхон Султонсаидов. — Феруза сумалак тайёрлашнинг ҳадисини олган аёллардан. Аскарларимиз кечаси билан қозон қавлашиб, таомнинг ширин чиқишига ўз ҳиссаларини қўшишди.

Жорий йил Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан қисм касаба уюшмаси кўмитасининг йил давомида амалга оширилажак ишлари режаси тузиб олинган. Бу режалар ижросини таъминлашда ҳам касаба уюшмаси аъзоларининг ҳиссалари катта бўлади, албатта.

Муборак МИРКАМОЛОВА

Муҳиддин СОЛИЕВ олган сурат

Шуқуҳ

Юртимизга интиқлик билан кутганимиз — баҳорнинг таширифи боис ҳар кунимиз тўю тантаналарга уланмоқда. Аёллар байрами кенг нишонланган гўшаларда бугун Наврӯз шуқуҳи ҳукмрон. Наманган шаҳридаги "Маржон" мажмуасида ҳам ана шу айёмга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унга вилоят "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси фахрийлари, соҳанинг илғор ходимлари тақлиф этилдилар.

Шўъба корхона директори Холисхон опа Мамадалиева тадбирни очар экан, йигилганларни Наврӯз айёми билан самимий муборакбод этди. Шунингдек, республикамизда, жумладан, вилоятимизда мустақиллик йилларида кенг кўламли бунёдкорлик, яратувчилик борасида амалга оширилаётган ишлар, бу борада жамоа аъзоларининг ҳам ҳиссалари борлиги ҳақида гапириб, бугунги кунда ташкилот томонидан 47209 нусха обунга уюштирилгани ушбу фикрлар исботи эканлигини таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Шамситдин Тоштемиров сўзга чиқиб, матбуотчилар маънавиятга, яхшиликка хизмат қиладиган соҳа вакиллари эканликларини эътироф этди ва барчани янгиланиш ва яшариш айёми билан табриклади.

Шундан сўнг 2014 йилда савдо режа-

сини ортиғи билан бажарган, 2015 йил учун обунга уюштиришда фаол қатнашган соҳанинг илғор вакиллариға фахрий ёрлик, пул мукофотлари топширилди. Тадбирда узоқ йиллар корхонада ишлаб, ҳозирда кексалик нафақасида бўлган фахрий устозлардан 16 нафарига ҳам эсдалик совғалари тарқатилди.

Фахрийлар номидан сўзлаган Йўлдошхон ота Нажимов кўрсатилаётган ғамхўрликлар хусусида гапириб, энг аввало, юртимиздаги тинчлик-осойишталик сабабли мана шундай байрамлар ўтказилаётганлигини эътироф этди ва эъзозу эҳтиром учун миннатдорлик билдирди.

Айниқса, марҳум ишчи-хизматчилар фарзандларининг байрамга тақлиф этилгани уларни янада қувонтирди.

Соҳибжон УСМОНОВ,
Наманган вилоят
"Матбуот тарқатувчи"

шўъба корхонаси бош мутахассиси

Янгиликлар ва яшариш айёми

Яшариш байрами Наврўз шарафига Ўзбекистон алоқа ходимлари касабаси уюшмаси республика кенгаши ва унинг тизимидаги бошланғич касабаси уюшмаси ташкилотлари томонидан қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Тизимда Наврўзга тайёргарлик ишлари анча эрта бошланди. Хусусан, байрам олдидан умумхалқ хайрия ҳашарида алоқа тизими меҳнаткашлари томонидан 40 мингга яқин манзарали, мевали дарахт ва турли гул кўчатлари ўтказилиб, дарахтларга шакл берилди. Арик ва зовурлар тозаланди.

14-15 март кунлари ўтказилган ҳашарда "Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиали ходимлари томонидан ҳудудларда 6845 туп гул кўчатлари, 12420 туп мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилди. Шу кун ТАТУ ходимлари ҳудуд атрофига 540 туп мевали ва манзарали дарахт ҳамда 2000та гул кўчатларини экишти.

Сурхондарё вилояти алоқа корхоналари меҳнаткашлари 548 туп мевали, манзарали дарахт ва 150та гул кўчатларини, "Ўзбектелеком" АК Навоий филиали ходимлари 557 туп мевали, манзарали дарахт ҳамда 750 дона гул кўчатларини ерга қададилар.

Шунингдек, байрам муносабати билан жойларда кушлар, гуллар байрами, варрак учириниш мусобақалари ҳамда сумалак сайли каби тадбирлар ташкил этилиб, уларда таниқли санъаткорлар ва бадий хаваскорлик жамоаларининг иштироки таъминланди.

Бундан ташқари, тизимдаги олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларида уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида ёш авлоднинг маънавий ва ахлоқий тарбиясига кўмаклашиш, уларда миллий ғурур ва ўзини англаш ҳиссини

шакллантириш мақсадида "Сиз доим эъзоздасиз", "Қариси бор уйнинг париси бор" мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилди. Жумладан, Тошкент Инҳа университети, ТАТУ, Тошкент алоқа касб-хунар коллежида ташкил этилган шундай тадбирларда минглаб ёшлар иштирок этди.

Байрам арафасида касабаси уюшмалари томонидан 560 нафардан зиёд ёлғиз кекса, ногирон ва нафақада бўлган меҳнат фахрийсига озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон олиб берилди, яшаш жойларини таъмирлаш ҳамда коммунал тўловларни тўлашда кўмаклашилди.

"Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали касабаси уюшмаси ташкилоти 17 март кун 450 нафар ёши улуг кексалар учун байрам дастурхонини ташкил этиб, улар кўнглини баҳор таомлари ҳамда байрамона ош билан хушнуд этди. Шунингдек, ташкилотда 20 йилдан зиёд меҳнат қилиб, ҳозирги кунда нафақага чиқарилган ва нафақа гаштини сураётган 511 нафар меҳнат фахрийсига 40 кг.дан картошка ва 70 минг сўмдан рағбатлантириш пуллари берилди.

Байрам муносабати билан амалга оширилган хайрли ишлар давом этмоқда.

Раъно Тўраева,
Ўзбекистон алоқа ходимлари
касбаси уюшмаси республика кенгаши
бош мутахассиси

"Ўзбектелеком" АК Навоий филиалида ҳам кутлуг шодийна муносабати билан байрам тадбири нишонланди.

Филиал ходимларидан Гулчехра Қодирова, Муборак Нарзуллаева, Раъно Қўзиёва, Олия Беквалар мазали сумалак пиширишти. Тадбирни филиал директори Улугбек Исмоилов очиб, ходимлар ҳамда меҳмонларни Наврўзи олам билан табриқлади. Филиалининг иқтидорли ёш мутахассислари Азизбек Шодиев, Санобар Султонова ва Шохрух Сафаровлар "Наврўз — уйғониш, янгиланиш ва

яшариш фасли" деб номланган байрам дастурини қизиқарли олиб боришти.

Турли кўринишдаги беллашувлар, қизиқарли савол-жавоблар тадбир меҳмонларига янада зўр қайфият бағишлади. Айниқса, "Миллий таомлар" танлови жуда қизиқарли ўтди. Унда "Ягона ойна", 224-АТС ва дебиторлик қарзларини йиғиш бўлимлари совринли ўринни эгаллашти. Фолиблар касабаси уюшмаси қўмитасининг эсдалик совғалари билан тақдирланишти.

Муҳаббат НОРҚУЛОВА,
филиал КУК раиси

Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида Наврўз байрами муносабати билан байрам тадбири ташкиллаштирилди.

Ушбу тадбир доирасида нуруний отахон-онахонлар, ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабар олиниб, совға-саломлар улашилди. Сўнгра сумалак сайли ва баҳорий таомлар кўргазмаси ўтказилди. Байрам тадбири иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Тоҳира АЛИМОВА,
КУК раиси

Аёлни қадрлаган диёр

"Ўзбектелеком" АК Андижон филиалининг барча таркибий бўлинмаларида аёллар меҳнатини қадрлаш, уларни эъзозлашга қаратилган турли тадбирлар, кўрик-танловларнинг ўтказилаётгани қувонарлидир.

Андижон шаҳар телекоммуникациялар боғламасида ўтказилган "Аёлни қадрлаган диёр" мавзусидаги кўрик-танлов ҳам хотин-қизларимизнинг оила ва жамиятдаги ўрнини кўрсатиб беришга бағишланди. Тадбирга алоқа соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган бир гуруҳ меҳнат фахрийлари ҳам тақлиф этилди.

Тадбирни Андижон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Гулнора Нуриддинова очиб, йиғилганларни кўклам ташрифи билан қутлади. Шунингдек, тадбирда филиал кадрлар бўлими бошлиғи М.Азимова сўз олиб, жамиятда

аёлларнинг роли ва нуфузи ҳақида атрофлича тўхталди.

Шундан сўнг Андижон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси шаҳарлараро сўзлашув бўлими, хўжалик ҳамда маркетинг бўлимлари тўртта шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Ҳар бир бўлим ўз иқтидори ва салоҳиятини намоён этди.

Кўрик-танлов шартлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Якуний натижага кўра, шаҳарлараро сўзлашув бўлими мутлақ голиб деб топилди. Фолиблар касабаси уюшмаси томонидан қимматбахо эсдалик совғалари билан тақдирланишти. Шунингдек, тақлиф этилган меҳнат фахрийларига ҳам эсдалик совғалари берилди.

Моҳиржон МУСАЕВ,
"Ўзбектелеком" АК
Андижон филиали КУК раиси

Савоб иш

Миллий байрамларимизга алоҳида тайёргарлик кўриш аънамага айланиб қолган. "Ўзбектелеком" АК Хоразм филиали алоқачилари ҳам Наврўз арафасида 14-15 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашарида фаол иштирок этишти. Жумладан, бизнинг Кўшкўпир телекоммуникациялар боғламамининг ҳар бир ходими ўн тупдан манзарли ва мевали дарахт кўчатлари ўтказишти. Боғлама ҳудудида ободонлаштириш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилди.

Савоб ишни ҳар ким ҳар кун қилиши керак. Мана шу ҳикматга амал қилган филиал маъмурияти ва касабаси уюшмаси қўмитаси вакиллари соҳада узоқ йиллар ишлаб, нафақага чиққан 52 нафар меҳнат фахрийсини Наврўз айёми арафасида йўқлаб боришти. Телекомчилар фахрийларни эзгулик байрами билан қутлаб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва совғалар бериб, кўнглиларини кўтаришга ҳаракат қилишти. Меҳнат фахрийлари эътибор ва эҳтиром учун миннатдорлик билдирдилар. Улар соҳа ривожидан мамнун эканликларини айтиб, халқимиз фаровонлиги ва юртимиз тинчлигини тилаб, дуо қилишти.

Адолат ЖУМАНИЁЗОВА,
Кўшкўпир телекоммуникациялар
боғламаси муҳандиси

● Эълон!

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"EVRO AVTO DIZEL" хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2011 йил 6 апрелда берилган АА серияли 0003596 рақамли;

"SAUVRON AZIYA BUILDING" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўча радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига 2012 йил 1 мартда берилган АА серияли 0003994 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2015 йил 13 мартдан;

"DIFFERENT GROUP SYSTEM" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2011 йил 25 ноябрда берилган АА серияли 0003928 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2015 йил 20 мартдан тугатилди.

Хукуматимиз томонидан қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар ижросига Андижон тумани Куйганёр почта алоқаси тармоғи ходимлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшиб келмоқдалар.

Намунали хизмат кўрсатамиз

Туманимизда 225 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳамда пенсия таъминотига бизнинг тармоғимиз хизмат кўрсатади. Олиб борилаётган ишларимизни ҳисоб-китоб қилсак, 2014 йилда бир мунча муваффақиятларни кўлга киритдик. Йиллик даромад режасини ортиғи билан, яъни 863,597,3 минг сўмга бажаришга эришдик.

Йил давомида аҳолидан 51 600та оддий ва буюртмали хат-хабарлар қабул қилинди. Бу борадаги режа 107,7 фоизга бажарилди. Марказий, Оқёр, Бегобод, Қорақалпоқ, Толмозор алоқа бўлимларида ҳам режалар ортиғи билан уддаланди.

2014 йилда худудимиздаги 18500 нафар пенсия ва нафақа олувчиларга 53 млрд. сўмдан ортиқ пенсия ва нафақа пуллари ўз вақтида етказиб берилди.

Даврий нашрлар ва сотувдаги газета ва журналлардан олинаётган даромаднинг режага нисбатан 54,3 фоизга ўсишига эришдик. Аҳолидан телеграммалар қабул қилишдан даромад режаси 266,8 минг сўмга бажарилди. Ўтган йили "Ўзбекистон почтаси" АЖ томонидан тармоғимизга "Damas" русумли автомашина ажратилди.

"Янгиобод" алоқа бўлимига кўп йиллардан бери Раънохон Халилова раҳбарлик қилади. Ўз ишини яхши билган бу почта ходими хизматидан аҳоли хурсанд.

"Қорақалпоқ" алоқа бўлими бошлиғи Оминахон Тожибоева 33 йилдан бери бир соҳада меҳнат қилиб, халқимиз хурматида сазовор



Суратда: Куйганёр почта алоқаси тармоғи ходими Мансурбек Қосимов матбуот нашрларини ўз вақтида обуначиларга етказиб беради.

Тўраҳон ҒАҒУРОВ олган сурат

бўляпти. У хизмат кўрсатаётган ҳудудда 2300 нафар аҳоли бўлса, шундан 441 нафар пенсияонердир. Пенсиялар вақтида хонадонларга етказиб берилмоқда.

Яна бир Бегобод алоқа бўлимига ёш ва иқтидорли Мансурбек Қосимов бошчилик қилади. Мансурбек бу касбни почтада 30 йилдан ортиқ ишлаган отасидан ўрганган. Бу ғайратли почта ходими режани доимо ортиғи билан бажаришга эришяпти.

"Айрилиш" алоқа бўлимида Маҳмудaxon Холбердиева, "Экин-тикин" алоқа бўлимида Ойбек Жалилов, Завроқ алоқа бўлимида Гулчехраҳон Собировалар, хабарчиларимиздан Тожиддин Эргашев, Фолибжон Мақсудов, Нурилло Хусанов, Алишер Эгамов, Муҳайё Давроновалар ҳам яхши меҳнатлари билан халқимиз орасида хурмат-эътиборга сазовор бўлмоқдалар.

Абдурахмон ҚОСИМОВ,
Куйганёр почта алоқаси тармоғи бошлиғи

Истеъмолчилар ҳуқуқлари қонун ҳимоясида

Биз барчамиз истеъмолчимиз. Кундалик турмушда савдо дўконларига кирганимизда, жамоат транспортига чиқганимизда, умуман, товарлар сотиб олганимизда, ишлар, хизматлардан фойдаланганимизда ҳам истеъмолчи ҳуқуқларидан фойдаланамиз. Муस्ताқил давлатимизнинг тараққиёти ҳар томонлама билимли, юқори малакали ва ҳуқуқий давлат қуришнинг фаол аъзолари бўла олган ёшларимизга боғлиқ.

Шунинг учун ёшларимиздан юксак ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятли бўлиш талаб этилади. Ҳозирги кунда ҳуқуқий кўмакка муҳтож истеъмолчиларнинг асосий қисмини ўқувчи-ёшлар ташкил этади. Ёшларимиз қонунлардан тўла хабардорми, агар истеъмолчилик ҳуқуқлари бузилганда кимга ва қандай мурожаат қилишни биладими? Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона марказида "Истеъмолчи ҳуқуқи қонун ҳимоясида" мавзuida ўтказилган давра суҳбатида ана шулар ҳақида гапирилди.

Тадбирда сўзга чиққан мутахассислар "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги ҳамда "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар юзасидан ўз фикрларини билдириб, ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизнинг бош мазмун-моҳияти инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Тадбир давомида, истеъмолчи ҳуқуқлари ва уларнинг бузилиши, сифатсиз товарлар билан савдо қилиниши, нуқсонли товарларни алмаштириш ёки нуқсонларни бартараф этиш тартиблари ва бу тартиблар бузилган тақдирда қандай чоралар кўрилиши, бу борада ваколатли ва давлат органларига мурожаат қилиш қоидалари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Наргиза ҚИЛИЧЕВА,
Андижон вилоят АКМ
ҳуқуқий адабиётлар сектори
муdiri

Тошкент ахборот технологиялари университети қўйидаги лавозимларга танлов эълон қилади

Катта ўқитувчилар:

"Информатика асослари" кафедраси — 1

Ассистент (ўқитувчи)лар:

"Электроника ва радиотехника" кафедраси — 1, "Энергия таъминлаш тизимлари" кафедраси — 1, "Менежмент ва маркетинг" кафедраси — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашиши мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел: 238-64-06.

RAQAMLAR DUNYOSI

Кадимда санок бир неча мингдан ошмаган. Ўта катта сонларни ифодалаш учун узоқ вақтлар ҳожат ҳам бўлмаган, санайдиган нарсанинг ўзи йўқ эди-да. "Осмондаги юлдузлардан ҳам кўп" дейилса, кифоя, гап нима ҳақида бораётгани англаган. "Миллион" сони ўрта асрлар охирида пайдо бўлди. Бу сўзнинг ўзи лотин тилидан ўғирилганда "катта минг" (ёки "минг маротаба минг") дегани. **Астрономия ҳамда савдо-сотиқнинг келгусида ривожланиши янгидан-янги рақамларга мурожаат этиш заруриятини келтириб чиқарди.**

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси жамоаси инспекциянинг Сирдарё вилояти ҳудудий бўлиминиси собиқ бошлиғи **Омонгелди ота ХУДОЙБЕРДИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбектелеком" АК Фаргона филиали жамоаси филиал техник директори Владимир Ежковга акаси **Валерий ЕЖКОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда "Ўзбектелеком" АК Сирдарё филиали жамоаси узоқ йиллар алоқа соҳасида меҳнат қилган фахрий

Омонгелди ота ХУДОЙБЕРДИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси жамоаси компаниянинг Бизнес ва сармояларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш департаменти директори Акмал Арифжоновга онаси **Венера АРИФЖОНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МАХСУС АВАРИЯ-ТИҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

Серкуёт йўлкамизнинг кўп миллатли халқини она табиатнинг
янгилигини, яшарин рамзи бўлмиш кўҳна ва навқирон —

Наврўз айёми

билан самимий муборакбод этади!



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақамдан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:
Хурийд МИРЗАХИДОВ (Хайъат раиси), Маҳсум МАҲМУДОВ,
Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ,
Сувоп НАЖБИДДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлиғи мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета
haftaning
жума куни
чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-365 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Алади: 14520 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шохқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда

Бухорода

Гулистонда

Жиззахда

Навоийда

Нукусда

Самарқандда

Термизда

Тошкентда

Ургандда

Фарғонада

Қаршида

226-47-80 715-87-21 240-00-46 (94) 199-95-64 225-91-10 554-35-45 230-64-80 (91)235-88-68 288-40-66 (90) 713-21-40 244-18-05 (93)931-08-99